



АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИНГ ИЖТИМОЙИ-СИЁСІЙ ВА ҲУҚУҚІЙ ГАЗЕТАСИ



ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

Кеча Тошкент шаҳрининг "Пойтахт" меҳмонхонасида "Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва демократик сайловлар" ҳамда "Ёшлар сайловлар арасида" мавзуларига доир семинар ўз ишчи бошлади.

Конрад Аденауэр фонди, Европада ҳамкорлик ва ҳавфсизлик ташкилоти (ЕОҲТ), Ўзбекистон сиёсий партиялари, шу билан биргаликда журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида ўтказилган мазкур семинарда соҳага доир ташкилотлар раҳбарлари, сиёсатшунослар иштирок этдилар. Улар ушбу мавзу доирасида қўлланма ишлар юзасидан маърузалар қилишмоқда.

Семинарнинг биринчи кунинда Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўйича минтақавий муқтор вакили Томас Кунце, ЕОҲТ сиёсий маслаҳатчиси Мария-Карин фон Гумпенберг маърузасидан сўнг Конрад Аденауэр жағмагасининг Ўзбекистондаги фаолияти ҳақида видеофильм намойиш этилди. Шундан сўнг

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

ушбу семинар раҳбари Игорь Муратидис, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази директори Гулнора Бобонова ва "Ёшлар сайловлар арасида" семинари раҳбари Жамол Бекматовлар мавзулар юзасидан ўз фикрларини билдириб ўтдилар. Барча партия вакиллари ҳам семинарнинг биринчи иш кунинда мавзуларга оид қиқшлар қилишди. Шу жумладан семинарда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши котиби, Олий Махлис депутаты Дилором Тошмуҳамедова сўзга чиқди. Сўнг қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярминда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси доценти Муқимжон Қирғизбоев "Ўзбекистонда парламент ислохотлари — бўлажак кўппартиявий парламент сайловларининг ўзига хос хусусиятлари" ҳақида маъруза қилди. "Сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари — ўтган сайловлар сабақлари ва бугунги кундаги реалик" мавзусида қиқш қилган сиёсатшунос Михаил Ельшовнинг таҳлил ва тавсиялари қатнашчиларнинг эътиборини тортиди.

Семинарда сиёсатшунос Хотам Абдураимов "Сайлов компаниясини олиб боришнинг стратегияси ва тактикаси. Сайловолди дастури структураси ва уни тузишнинг умумий тамойиллари. Номзод ва унинг жамоаси — ишонган вакиллар ва ёрдамчи гуруҳ. Сайловчилар билан иш олиб бориш ташкил этиш" мавзуси бўйича тренинг машғулотини ўтказди.

Семинарнинг иккинчи мавзуси бевосита ёшлар билан боғлиқ бўлганлиғи сабабли "Интернэйшл Хаус — Тошкент" лицейи талабалари ҳам иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Семинарнинг иккинчи иш кунин бугун давом этади.

Шерали ОТАБОВ,
"Адолат" мухбири

30 январь кунин Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Фарит Мухамметшинни Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши қароргоҳида партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Олий Махлис депутаты, академик Турғунпўлат Даминов қабул қилди.

ЭЛЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

Россия элчисининг ташаббуси билан ташкил этилган бу учрашувнинг максади унинг Республикамиздаги умум-сиёсий фаолият билан танишуви ва йўналтирилган. Мамлакатимиздаги ҳар бир сиёсий партия ҳозир муҳим синовлар бусағасида турибди. Бу йил икки палатали Ўзбекистон парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда ҳар бир партия

муносиб ўрин эгаллаши учун жиддий кураш олиб боради. Ҳўш, бу борада "Адолат" СДП қандай ишлар қилмоқда. Жаноб элчини қизиқтирган масалалар ҳам шунга ўхшаш ранг-баранг: партиянинг сайловлар олдиндан олиб бораётган ишлари, парламентдаги депутатлар фракциясининг фаолияти, партиянинг Низоми ва Дастурига мувофиқ ўз макссад ва вазифаларини

ўлат Даминов ҳар бир саволлар юзасидан меҳмонга мухтасар тушунтириш ва ахборотлар берди. Партиянинг кенг қўламли ишлариға тўхтади.

Сухбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг шарофати билан ҳукуматлараро қилинган ишлар алоҳида эътироф этилиб, қарор топган муносабатларни юксак қадрлаш юзасидан фикрлар билдирилди. Мазкур

қатор соҳалар билан биргаликда иккала мамлакатимизнинг тиббий соҳадаги ҳамкорлиғи самарасига алоҳида урғу берилганлиги қувончлидир.

Мазкур учрашувда партия Сиёсий Кенгаши котиблари Равшан Ҳайдаров ва Дилором Тошмуҳамедова иштирок этиб, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари билан боғлиқ ўз мулоҳазаларни билдирдилар.

Самарқанд вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валюталарга оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари соҳадаги қонунбузарликларни фаш этиш ҳамда давлат манфаатларини сохтакорликлардан ҳимоя қилишда бор куч ва маҳоратларини ишга солиб келмоқдалар.

Утказилаётган тевкор текшириш ва суриштирувлар натижасида солиқлардан яшириб қолдирилган, ноқонуний муомалада юритилган миллионлаб сўм маблағлар давлат хазинасига қайтарилмоқда. Назорат ишларининг самардорлиги ортганининг бошқарма фаолиятига оид қатор маълумотлардан яққол сезиш мумкин.

Азалдан шундай бўлиб келган: тижоратда ҳалоллик, инсоф, андиша, обрў барака сари етаклайди. Лекин бирор йўлдан билан даромад топиб, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товланган, демакки қонун юзига оғқ қўйиқчи бўлган тadbirkor-чи? Унинг қалтабиллиги охири-оқибат ўзига зиён келтиради.

Солиқ назоратчилири Самарқанд шаҳридаги "Гулноза — М", "Шаҳзод — О", "Дилноза — А" ва "Value Ko" деб номланган масъулияти чекланган жамият ва ҳусусий тижорат фирмаларида ана шундай ғайриқонуний ишлар билан шугулланиб келинаётганлигини аниқлашди.

Қаранг-ки ҳар тўртала фирма ўзаро яқин алоқада фаолият юри-

ҚЎЛНИ БЕРИНГ, ЖАНОБ ВА ФУҚАРО ТАДБИРКОР

тиб қисқа вақтда қатта ҳажмдаги нопок олдиди-сотиқларни амалга оширишган, солиқларни қасддан яшириб қолдиришган, қалбаки ишларни ҳаспўшлашда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келишган.

"Гулноза — М" масъулияти чекланган жамият 381633,6 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган бўлишига қарамай Солиқ кодексига белгиланган турли тўловлардан жами 24639,4 минг сўмлик солиқни давлат хазинасидан яшириб қолдирган. 40 миллион сўмликдан ортиқ товарлар эса Республика Вазирлиги Маҳкамасининг 407-сонли қарорига эид равишда тегишли рухсат гувоҳнома-си олинмасидан улғуржи тартибда сотиб юборилган.

Унинг шериги — "Шаҳзод — О" фирмаси 109162,5 минг сўмлик товар айланмасини уйдлаб, шундан солиққа тўлашни зарур бўлган 12808,3 минг сўмлик маблағни қасддан тўламай келган. "Дилноза — А" ҳусусий тижорат фирмасида эса иш-рилган солиқ 20637,6 минг сўмлик, "Value Ko" фирмасида 13887,5 минг сўмликни ташкил этган.

Демак, олис-яқиндан оқиб келатган товарлар қарвони дўконларга буриб қўйилгану ҳисоб-китоб мақсадида ҳалоллик унутилган.

Қингир иш эса доимо тавишви келтиради. Аниқланган қонунбузарликлар бўйича ҳар тўртала фирма раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Умуман бошқарма ходимлари

томонидан 2003 йилда Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товланган билан боғлиқ 49 та жиноят ишлари қўзғатилди. Натихада бюджетдан яширилган 865 миллион 67 минг 200 сўмлик солиқ тўловлари ҳамда уларга қўла-ниланган 1 миллиард 100 миллион 137 минг 600 сўмлик молиявий жасирмалар ҳисобланиб, шунинг асоси қисминини давлат хазинасига қайтаришга муваффақ бўлинди.

Бошқарманинг сай-ҳаракатлари туфайли истеъмол бозорига четдан ноқонуний йўллар билан олиб келинаётган товарларни аниқлаш ва бундай ҳуқуқбузарликларни бар-тароф этишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада тегишли назорат органлари билан ҳамкорлик ташкирчан самара бермоқда. Жумладан шу йилнинг 19 январьда Пастдарғом туман Узуқ қишлоғи орқали келатган фуқаро И.Бекназаровга тегишли "ҚамАЗ 5320" русумли 14 А 64-94 давлат белгиси бор бўлган юк машинасини тўхтаиб текширилганда унинг юкюнасида Хитой мамлакатига иш-лаб чиқарилган 40 миллион 16 минг сўмлик ҳужжатсиз кийим-кечак ва сўмлик жойланганлиги аниқлан-ди. Тожикистон Республикаси Фуқаролари — Барно Воҳидова ва Дилором Жабборовга тегишли бўлган бу товарлар айланма йўллар билан Ургут бозорига сотиш учун олиб келилатган экан. Натижада ноқону-ний юк махсус омборхонага туши-рилиб унинг эгаларига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Каттакўрғон шаҳар "Ибрат" савдо уйида қай тартибдаги тadbirkorлик билан шугуллануучи фуқаро Гулнора Султонова ҳам қингирликдан фойда эмас, зарар кўрди. У божхона орқали қарим қилинмаган, ишлаб чиқариш мар-каси ва мувофиқлик сертификатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 2 миллион 53 минг 500 сўмлик аёллар чарм курткаси ва пойафзалини сотаётганда назo-ратчиларга дуч келди. Оқибатда ҳам молидан ажралди, ҳам тер-говга тортилди.

Бу каби ноқонуний ҳолатлар бўйича ўтган йили 584 та ҳуқуқбу-зарлик аниқланди. Тегишли ҳуж-жатлари ва мувофиқлик сертифи-катлари бўлмаган 288 миллион 962 минг сўмлик товарлар дали-лий ашё сифатида олиб қўйилди. Маъмурий жавобгарликка тортил-ган 499 шахсга нисбатан 8 мил-лион 980 минг сўмлик жарима қўланилди. Энди ўзингиз ҳулоса қилингир нопок тижоратдан кимга фойда, кимга зиён?

Мамлакатимизда валюта бозo-рининг эркинлаштирилиши бу бo-радаги олдиди-сотиқлардан қонуний асосларга таяниб иш қуришни та-қозо этмоқда. Афсуски, валюта савдосида хануз ғайриқонуний иш-лар рўй бериб турибди.


Утказилган тевкор текшириш-лар натижасида Самарқанд ша-ҳрининг Ҳўжаев номли автомобилъ эҳтиёт қисмлари бозори ҳудудида фуқаро Аҳмад Розиков 600 АҚШ

долларини миқозга 678000 сўмга сотаётганда ушланди. Унинг ёни-дан 21 минг 800 АҚШ доллари далилий ашё сифатида олинди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳуқуқбузар А.Розиковга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Валюта сотиб рўзгор тебрат-ман деб қонунчи менсимай юрган-лар эса афсуски яқка-ёғиз эмас. Ўтган 2003 йилда шу ҳолат бўйича 35 та қонунбузарлик фактлари аниқланди. 33569 АҚШ доллари, 21460 Россия рубли, 1290 туркман манати, 2704 минг сўм, 4460 минг сўмлик тилла буюмлар ва 6354,5 минг сўмлик товарлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Қўриб турибсизки, бу борада ҳам бойиб гердайтишни ҳавас қил-ганлар қонун олдида изза бўлиш-моқда. Қингир иш туфайли судла-ниб, жазага тортилиб маҳалла-дошлари ўртасида уятга қолиш-моқда. Демак ҳалол йўл билан то-пилган даромад рўзгорга барака, хотиржамлик, ҳузур-ҳаловат кел-тиради. Тижоратда ишончли шe-рикларни қўлайтиради. Шундай экан Солиқ идораси билан ҳам-корликдан қўймай қўлни беринг, жаноб тadbirkor! Зотан солиқлар юртимиз равақли, оиламиз тинч-лиғи, ижтимоий ғамхўрликлар ка-фолати эканлигини унутмайлик.

**ЗОХИДЖОН МУХТОРОВ,
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
СОЛИҚ ВА ВАЛЮТАГА
ОИД ЖИНОЯТЛАРГА
ҚАРШИ КУРАШИШ
БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ,
ЗОХИР ТЎРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири**



АҚШ давлат департаменти Афғонистонда террорчилик ҳаракатлари қўлайини тўғрисида огоҳлантирди. Бу огоҳлан-тириш аввало мамлакатда иш олиб бораётган нодавлат таш-килотлари ходимларига тегишлидир. Давлат департаменти шунингдек, ўлдирини ва ўғирлаш хавфи туфайли уларга мам-лакат бўйлаб узоқ сафарларга чиқмаслигини тавсия этмоқда.

Х Х Х

Приморск ўлкаси Ички ишлар бошқармаси уюшган жи-ноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ходимлари томони-дан тadbirkor эри ва унинг жазманини ўлдириниша буюртма берган 41 яшар владивостоклик аёл қўлга олинди.

Ички ишлар вазирлигининг Узоқ шарқ федерал округи бош бошқармасидан маълум қилишларича, бу ерга аёл киши икки кишини ўлдириниш учун миқоз излаётгани хусусида ах-борот тушган. Шу муносабат билан ушбу амалиёт ишлаб чиқилган. Натижада аёл қилларга пулни бераётган маҳалда қўлга олинди.

Х Х Х

Европа Иттифоқи Таиланддан парранда маҳсулотлари импорти таъқиқини 15 августга қадар узайтирди. Бу ҳақда Брюсселда ўтган мажлисда маълум қилинди. Августга қадар "парранда гриппи" юзга келтирган вазият яхшиланмаса, таъқиқ муддатни яна уч ойга узайтиш мумкин.

Бу таъқиқ шу йил январда вақтинча жорий этилган эди. Ўтган ҳафта ЕИ ижроия идораси жанубий-шарқий Осиё-нинг барча давлатларидан турли паррандаларни, жумладан тўтиқуш, лочин ва қирғийлар келтиришни ҳам таъқиқлади.

Х Х Х

Бангладешда иккита паронинг тўқнашиб кетиши на-тижасида ўттиз киши ҳалок бўлди ва 150 киши бедарак йўқолди. Ҳувоҳларнинг сўзларига қўра, воқеа маҳаллий вақт билан туғни соат иккида юз берган. Паромда жами бўлиб саккиз юз киши бўлган. Айни пайтда ҳалокат рўй бер-ган жойда полиция ва қўтқарувчилар иш олиб бормоқда.

Х Х Х

Корея халқ демократик республикаси маъмурияти ядро дастури бўйича олти тарафлама музокараларнинг навбатдаги босқичини ўтказишга тайёрлигини билдирди.

Музокаралар 25 февралда белгиланди. Унда Шинмо-лий ҳамда Жанубий Корея, Хитой, Япония, АҚШ ва Россия вакиллари иштирок этди.

Х Х Х

Доминикан республикасида жарроҳлар икки бош билан тутилган икки ойлик Ребекка Мартинесда жароҳлиқ амали-ётини ўтказишни бошлашди. Унда 18 кишидан иборат жар-роҳлар, ҳамширалар ва бошқа мутахассислардан иборат гуруҳ тахминан 13 соат давомида иш олиб боради. Тиббиёт ходим-ларига 2002 йилда снам этизакларини ажратиб бўйича му-ваффақиятли жароҳлиқ амалиётини ўтказган Калифорния университетини нейрорроҳи Корхе Лазарев раҳбарлик қи-лади. Мазкур жароҳлиқ амалиёт ва кейинги реабилитация дaври сaрф-ҳаражатларини Пенсильвания штати хайрия таш-килоты ўз зиммасига олган.

Митти фельетон

ТУМАН МАРКАЗИМИ ЎХУД КАРВОНСАРОЙИ!

Мутасаддилар ҳам "забт" этолмаётган "сирли кўрғон"нинг сири нимада?

Узун тумани марказининг гўзал ва обод бўлишини нафақат маҳаллий аҳоли, балки узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳам кўп йиллардан бунён орзу қилишади. "Обод маҳалла йили" якунланди. Аммо, армонли ниятлар "Меҳр ва мурувват йили"да ҳам ўз интиҳоси-ни топиши амримаҳол кўринмоқда.

Келинг, яхшичи... Туманнинг энг одам ғавжум ҳудуди — бозорга яқинлашамиз. Шарғун ва Сарисий йўналишларида қатновчи "Тикко"ю "Дамас"лар йўлнинг ўнги ва сўлида симга тизилиб турган кушлардек "саф" тортиб туришибди. Бу жой-ни "стойка" деб ўйласангиз хато бўлар. Чунки, кунда шун-дай одат урф бўлганидан, бунга барча ўрганиб қолган. Улар-дан қимтининг ўтсангиз, сизни узоқ йиллардан бунён кенгайи-шини кутиб турган кўприк "қарши" олади. Уни "қилқўприк", десак жоноз. Бирок, "огиррок" техникалар шу жойда дуч келса борми...

Кўприк устидан сўлга боқамиз. Ўз вақтида "эгасига ет-гунча" қилиб битказилган боки чўкиб, мўнғайиб қолибди. Шу кўприқдан ўтганимиз ҳамоно, ўнг томонда Абдувахоб Абду-рахимовга тегишли дўконга рўбарў бўлдиқ. Эҳ-ҳе, бу дўкон ҳақида шунчалар кўп ёзилиб, кўп айтилганки, асти қўяве-ринг...

Ўрта босимли газ қувури усти ва "Термиз-Сарисий-Ду-шанбе" автомобил йўлининг таъкиқланган ҳудудида қурил-ган ушбу дўконда газета-журнал, келинлар либоси ва аёл-ларнинг яна... қандайдир кийим-кечаклари сотилар экан. Шу-нингдек, алламбало гийҳлар ҳам мавжудки, уларнинг инсон саломатлигига фойдаси қўпми, зарари қўпми, бу яратган Эгамга ва "экстрасенс" Абдувахоб бобога маълум. Худо кўрсатмасин, дўкон остидан ўтган газ қувури портлаб кетса борми... Мутасаддиларга учрашсангиз, 2002 йилдан бунён фа-олият кўрсатаётган ушбу дўконни ноқонуний эканлигини бo-тoб эътироф этишади. Чoра қўллашга келганда эса оғизла-рига талқон солишади. Беихтиёр ҳаёлинигиздан "Бу дўкон эмас, сирли кўрғон эканда", деган фикр ўтиши аниқ.

Яна одимлаймиз. Энди Деновга қатновчи "такси"чилар шундоқ кўча юзидан йўловчи излайди. "Денова" срочно бит-та, иккита... одам керак". Бозор дарвозасидан чиқаётганлар эса зил-замбилдек қоп тугул, оёқ босишга ҳам жой топи-шолмайди. Нарироқдан "Карьер", "Коммунизм", "1-май" де-ган қичқирларни эшитасиз. Галя-говур, бақир-чақир тур-тинган, суришганлар... Қисқаси ўшу тумани марказидан ўтгу-нча ўзимизни қарвонсаройида юргандек сездик. Йўл-патруль хизмати ходимларининг уззукун бу ерда туришлари бежиз эмаслигига ҳам тушундик.

Иктисодий бақувват бўлган туманда бу каби муаммолар нахотки ўз ечимини тополмасди? Бунинг учун мутасаддилар-да зигирдек ҳафсала ва бир чимдим кўнт бўлса кифойа... Нима дедингиз?

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
журналист

Партиямиз жонкуярлари



Нарпай туманидаги Исом шоир номи ширкат ҳўжалиги раиси Нормамат Тошматов кишлоқ муаммоларига, кишлоқдошлари турмушига сезгир кўз билан қарайди. Уни доимо одамлар даврасида янги иш, янги ташвишлар билан учратасиз. Халқнинг ишонч-эътибори эса раҳбарини янада масъулиятли вазифаларга ундамда.

“Адолат” СДП Самарқанд вилоят Кенгаши аъзолигига сайланган Нормамат Тошматов ҳозир бутун куч-эътиборни аҳоли ўртасида партия гоъларини тарғиб этишга, бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлаштиришга ва айниқса, бўлажақ сайловлар арасида номзодларни танлаш ва тарбиялашга қаратмоқда.

СУРАТДА: Нормамат Тошматов (ўнгда) мулоқот чоғида. Зоҳир Тўрақулов олган сурат



МАҲАЛЛАНИНГ ҲИММАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иқтидорли болалар ўртасида каштачилик, дурадгорчилик, ашула ва рақс бўйича танлов ташкил этиб, гоилибликка эришган 15 нафар ўқувчини совғалар билан тақдирлади. Ҳозир маҳаллада “Меҳр ва мурувват” хонаси ташкил этилган. Унга маҳалланинг кўпни кўрган ёши улуг отахонлари тез-тез ташриф буюришиб бир пиёла чой устида чакчақлашмоқда.

Яқинда маҳалла оқсоқоли Хайрулла Мўминовнинг ташаббуси билан тумандаги барча маҳалла оқсоқолларининг иштирокида яна бир қизиқарли тадбир ўтказилди. Катнашчилар “Меҳр ва мурувват йили”да маҳаллада олиб борилаётган ишлар билан танишди. Тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари ҳам иштирок этишди. Кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтож қарияларга дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Маҳалланинг ансамбли тадбир иштирокчиларига ўзларининг қизиқарли дастурини намойиш этишди.

Рустам ДОСТОН, “Адолат” мухбири

СУРАТЛАРДА: тадбир иштирокчилари ва Хайрулла Мўминов (чапда) меҳмонлар даврасида.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ

Бўка тумани прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари яширин иқтисодиётга қарши муро-сасиз кураш олиб бормоқдалар. Бу туфайли жойларда юзга келган ноқонуний ишлар фоти этилиб, ҳуқуқбузарларнинг та-ноби тортиб қўйилмоқда.

— Яқинда қўлбола ёғ ишлаб чиқараётган 2 та сохта тадбиркорнинг йўлига йўл қўйилди, — дейди бўлим бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси Аҳмадиёр Деҳқонбоев. — Улардан бири, Абдулла Қолирий кўчасида яшовчи Юсуп Иноқов шу пайтгача хонаки шариотда 6000 килограмм чигитдан ёғ ишлаб чиқариб, сотиб келган экан. Текширув чоғида унинг уйдан яна ёғ ишлаб чиқариш учун олиб келинган 1300 килограмм чигит топилиб, мусо-дара қилинди. Ўз нафси йўлида қилинган иш қўнунбузарга катта ташвиш келтирди. Суд ҳукми билан у 2 йилга 6 ойга ахлоқ тузатишга жўнатилиди.

Бўлим ходимларининг тезкор маълумотларига асосан 3 та ҳолатда махсус лицензия олинмиши шарт бўлган фау-лят билан яширин равишда шу-гулланаётган фуқароларни ҳам



аниқтдилар. Жумладан, Бўка туманида яшовчи Муборак Му-саева, Шаҳноза Анорова, Ди-шод Боярқовлар қўнунга зид ра-вишда ўз уйларида буханка нон ишлаб чиқаришга қўнун бўли-ларга нисбатан ЎзР

МЖТКнинг 166 ва 176-модда-лари билан маъмурий ҳуқуқбу-зарликка оид иш қўзғатилиб, қўнуний чора кўриш учун ту-ман судига юборилди. Суд қарорига асосан улардан олиб қўйилган товар моддий бой-ликлар давлат фойдасига му-содара қилинди. Ўзлари эса

СУРАТДА: бўлим бошлиғи Аҳмадиёр Деҳқонбоев тезкор вакил Фарҳод Халилов ва суриштирувчи Маҳмадқон Қур-бонов билан қилинган ишларни муҳокама қилишмоқда.

Козим УЛМАСОВ олган сурат

Саксон ёшга кириб қариллик гаштини суриб, ҳаётдан мамнун яшаётганлар камми? Лекин биз саксон уч ёшли Мамаражаб Солиевни ғамгин қийфада учратдик...

Мамаражаб ака 19 ёшида фа-шист босқинчиларига қарши кураш-га отланди. Қўлига қурол олиб, мар-дановор жанг қилди. Уруш майдон-ларида қон кечиб, ҳаётнинг ачқик-чучугини тоти. 80 ёшида яна ку-рашга чоғланди. Энди бу сафар қўлига қалам олди. Эгилган ҳақиқат-нинг дол қадди учун, паймол қилин-ган ҳуқуқлари тикланиш учун...

Самарқанд вилоят деҳқон бозор-лари уюшмаси раиси У.Хусанов 2000 йил бошларида Булунгур деҳқон бозоридан тушаётган маблағлар-ни қўнунга зид равишда сарфлаш юзасидан бозор раҳбари М.Солиев-га қўрсатмалар бера бошлади. Бир-ок, унинг қўрсатмаларини ҳар са-фар бажаришдан бош тортиди. Кей-инчалик бу унга қимматга тушди.

М.Солиев ўзига берилган меҳ-нат таътили туғанлиги боис 2000 йил 28 апрель куни эрталаб ишга қайтганлигини қўрсатиб, раис номи-га ариза ёзди. Шу кун уюшма бўйи-ча 30-сонли буйруқ чиқарилди. Унда “Солиев ўз вазифасига киришин”, деб қайд қилинди.

Мамаражаб ака буйруқ нухаси-ни, уюшма бўлиmlларидан эса топ-шиқларини олди. Шу пайт-У.Ху-сановнинг ёдига вилоят ҳокимли-ги назорат инспекцияси томонидан 1999 йил ноябрь-декабрь ойлари-да бир неча деҳқон бозорларини, жумладан, Булунгур деҳқон бозо-рини текширилганлиги ёдига тушиб қолди.

Уюшма раиси худлик билан М.Солиевни вазифасидан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқаришни топ-ширди. Бироқ, кадрлар бўлими хо-дими текшириш уни ишдан бўшати-лишига асос бўлаолмаслигини, ту-шунтириш хати у ёқда турсин, у ҳатто, ҳужжатлар билан таништирил-маганлигини баён қилди. Бироқ, Ху-санов буйруққа “вилоят ҳокимининг қўрсатмаси” деб ёзишини, инспек-торига таъкидлади. Хуллас, М.Со-лиевнинг айбини “фоти” қиладиган буйруқ тайёрланди. Буйруққа 2000 йил 28 апрель санаси ва 30-рақами қўйилди. 2-3 соат ичида бир сана ва бир рақамдаги иккита буйруқ “дунёга” келди.

Хусанов унга йўлаб қўриш учун 2 кун муддат беришлигини, шар-манда бўлишликни истамаса 1 май кунли хисоб-китоб қилиб ке-тишлигини Солиевга қайта-қайта уқтирди...

Айтилганидек, Мамаражаб ака 1 май кун уюшмага келди. Нотўғри ишдан бўшатилганлигини билдирди. “Ҳозир соғлигим жуда яхши. Иш қобилиятим тўлиқ тикланган. Шу са-бабли мени 2000 йил 1 майдан эътиборан ўз вазифамга тиклаб

МАМАРАЖАБ БОБОНИНГ ҒАЛАБАСИ

ёки уч йилга эгилган ҳақиқатнинг сабоғи ҳақида

рак?” — деганда, йўл-йўриқ ўргат-ди. Ёзилган ариза тағига, “қурилиш-ларни битириб, ғаллани йиғишти-риб, бозорга даромад қилдириб, июль ойи охирида тантанга билан пенсияга чиқиб кетаман” деб ёзди-риб олди.

Нафақахўр Мамаражаб ака нои-ложликдан «тантана» билан яна на-фақага (?) кетадиган, Хусанов эса 2000 йил 28 апрелдаги 30-сонли ик-кинчи буйруққа “куч” бермайдиган бўлди. Шу тарика имзоланган, ра-қамланган буйруқ буйруқлар кито-бидан жой олмай қолди.

Мамаражаб ака Булунгурга қайтган, катта бошлиқнинг қўнун-сиз ҳаракатлари ва хурмача қили-ларидан норози бўлди. “Бозорком-”нинг рад жавоби раисни жаҳл оти-га миндирди. Ва ният “нафақа ёши хисобга олинми, соғлиғи бўлмаганлиги туфайли ўз аризаси-га биноан М.Солиев 2000 йил 10 май кундан МК нинг 99-моддаси-га асосан эгалаб турган вазифа-сидан озод қилинсин” деб 36-сон-ли буйруққа имзо чекди.

Уша кезде Мамаражаб ака худ-лик билан уюшмага қарилди. Уни ишдан бўшатишга қарилди. Бироқ, у ишдан бўшаш ҳақида ари-за бермаганлигини, қўнунсиз буй-руқлар ҳақида тегишли ташкилот-ларга шикоят қилишларини шахсан раиснинг ўзига айтди-да, хонани тарк этди.

Ишдан бўшаш тўғрисидаги ари-за ҳақиқатдан бўлмаганлиги учун-ми, ёки баъзи бир иш фоти бўлиб қолишдан қўриқиб-ми яна туфлан-ган тулик яланди. Натижада катта бошлиқ 2000 йил 10 майдан 36-рақамли буйруқни ҳам амалга оши-раолмади.

Ниятига ета олмай юрган Хусан-овнинг июль ойи ўрталарида ёдига М.Солиевга 1 май кунги ёздириб

олган “ёзуви” тушди. Ҳузурига уюш-ма ҳуқуқшуноси ва кадрлар бўлими ходимини чақириб “бозорком”ни ўз аризасига мувофиқ ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ тайёрлашликни топ-ширди. Буйруқ аввалгилардек тайёр-ланиб, 69-рақам қўйилди. Бу уюшма раисининг учинчи буйруғи эди.

Хусанов бу сафар кўрмайин ҳам, қўймайин ҳам деб “бозорком”ни ча-қирмади. Уни буйруқ билан таниш-тирмади ҳатто, буйруқ нухасини Бу-лунгур деҳқон бозорига ҳам юбор-тирмади.

Ёмон хушхабарнинг оёғи бор. Мамаражаб акани ишдан бўшатиш тўғрисидаги гап-сўзлар тезда Булу-

нғурга ҳам етиб келди. Қўнунсиз буйруқ чиқарилганлигини билган-дан кейин у яна раис номига ари-за ёзиб уни бекор қилишни сўра-ди. Ариза почта орқали 25 июль кун уюшмага юборилди. Судга мурожаат қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича аввал-ги Темир йўл туманлараро суди (су-дья Мирмухамедова А.) 2001 йил 23 март кун М.Солиев даъвосини қаноатлантирди. Уни ишга тиклади. Уюшмадан жами 385668 сўм пулни унинг фойдасига ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Мамаражаб Солиевни ишга тик-ланишига тиш тирноғи билан қар-ши бўлган уюшма раиси фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судига мурожаат қилди. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳужжатлар тўпла-ди. Қарорни бекор қилдиришга му-ваффақ бўлди.

Боз устига, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг судьяси Ш.Зоҳидова ишни оидлона кўрган судья А.Мирмухамедова ус-тидан, “судья иш юзасидан хато-камчиликларга йўл қўйгани ва қўнунини бузганлиги учун у малака ҳайъатида муҳокама қилинмоғи ло-зим”, деб хусусий ажирим чиқарди.

Аслида апелляция суди М.Соли-евни қандай асосларга кўра бўша-тилганлигини, тушуниб етмади. Суд уни ишдан бўшатиш тўғрисида ҳақиқатда ариза берган-бермаган-лигини аниқламади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбоса-ри А.Ишметов томонидан фуқаро-лик ишлари бўйича Самарқанд ви-лоят судининг 2001 йил 26 апрел-даги, анкироғи Ш.Зоҳидова раисли-гида қабул қилинган ажирим бекор қилинди. Ишнинг янгитдан бошқа тар-кибда кўриш учун юбориш тўғриси-да қиритган протестига асосан ви-

лоят судининг Раёсати ўзининг 2002 йил 30 июлдаги қарори билан суд ажиримини бекор қилиб, ишни со-биқ Темирйўл туманлараро фуқаро-лик судининг судьяси Х.Ариббеко-вага қўришлик учун юборди. У ви-лоят судининг апелляция босқичи раиси Ш.Зоҳидова ажиримини айна-н, лекин жойларини ўзгартириб, М.Со-лиев даъвосини рад қилиш тўғри-сида 2002 йил 2 сентябрь кунги ҳал қилув қарорини чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйи-ча судлов ҳайъати Олий суд раисин-инг ўринбосари томонидан келти-рилган протестни қўриб, судья Х.Ари-збекова раислигида чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судига юбориш ҳақида 2003 йил 8 август кун а-жрим қабул қилди.

Ният, иш фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судида би-ринчи босқичда қўрилди. Суд 2003 йил 13 октябрда бўлиб ўтди. Шу ўринда суднинг ҳал қилув қарори-дан, яъни, расмий ҳужжатдан бир неча сатрни келтиришларини лозим топди: “Солиевни вилоят назор-ат инспекцияси текширувига асосан 2000 йил 28 апрель кун 30-сонли буйруқ билан ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруққа асос бўлган маълумотлар билан М.Солиев буйруқ чиқарилганча ва ундан кейин ҳам на текши-рувчилар, на вилоят ҳокимлиги ва на бозорлар уюшмаси томо-нидан ҳам таништирилмаган, ундан тушунтириш хати ҳам олин-маган. Шундай тушунтириш хати-ни бозор раиси вазифасини бажарувчи Бекмуродовдан ҳам олишмаган. Бу буйруқ уюшма буйруқлар дафтаридан мавжуд эмас.

Уюшма буйруқлар жилди кўздан кечирилганда 2000 йил 8 майдан 15 майданга М.Солиев масаласида бирор бир буйруқ чи-қарилмаган, жумладан М.Солиев-ни ишдан бўшатиш тўғрисидаги 36-сонли буйруқ уюшмада мав-жуд эмас. 36-сонли буйруқ 2000 йил 8 май кун фуқаро Шодиев Уткирни Кўшработ туман ОХП-сой деҳқон бозорига раис этиб тайинлаш тўғрисида чиқарилган.

Суд уюшмага тушган ва буй-руқларга асос бўлган аризалар-ни ҳамлаш китобини кўздан ке-чирганда, М.Солиевни ишдан бўшатиш тўғрисидаги аризасини умуман йўқлиги аниқланди.”

Ана шуларни хисобга олиб, Фу-қаролик ишлари бўйича Жиззах ви-лоят суди (судья Бўтаёр Мамадиё-ров) адолатли ҳал қилув қарорини чиқарди. Бу билан уч йилдан ош-иқ вақт эгилган ҳақиқатни асл ҳолига қайтарди. Мамаражаб Солиев ғала-бага эришди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

натидан қарзни тўлаб қўйишларини қаттиқ талаб қила бошладилар.

Мана етти йилдирки қўзи оғизлар жа-миятига қарашли ўқув ишлаб чиқариш ком-бинати учун тинчлик йўқ. Ип-ғазлама ҳис-содорлик жамияти комбинати, комбинат эса савдо бирлашмаси раҳбариятини айб-лайди.

— 1997 йил 16 сентябрда Андижон ви-лоят судининг раиси бўлиб ишлаган Р.Ла-тифзонов даъво аризаларини қайта қўриб, комбинатимиз ваҳилини тақлиф этмай, суд

ишида қорхонамизнинг қўнуний манфаат-ларини ҳимоя қилишга оид етарли далил-лий ҳужжатлар мавжудлигини инобатга ол-май Андижон ип-ғазлама ҳиссодорлик жа-мияти фойдасига биздан 8888576 сўм уни-дирин ҳақида адолатсиз қарор чиқарган, — деб ёздади Тоҳиржон Юсупов. — Нати-жада чинакам қардор бўлган Андижон ша-ҳар ҳўжалик ҳисобидида савдо бирлаш-маси улғуржи тайёрлов- таъминот базаси қарзни тўлашдан ва жавобгарликдан қут-либ қолган.

Кашқадарё вилоятида ташкил этилган “Ўқтамбанк” ҳусусий оқик акциядорлик-ти-жорат банки бошқаруви банк тизимини ислох қилишга доир Президент фармонлари ва Ва-зирлар Маҳкамаси қарорларидан келиб чи-қиб, муҳим чора-тадбирларни амалга ошир-моқда. Банк фаолиятининг самарадорлиги-ни ошириш, анкироғи, миқозлар билан ало-қани ривожлантириш борасида талай ишлар-ни юзга чиқармоқда. Бу эса ўз самарасини берапти.

— 2003 йилнинг январь ҳолатида 621 та турли мулкчилик шаклидаги миқозларга хиз-мат кўрсатган бўлсак, бир йил ўтиб банк ми-қозлари сони 1065 тага етди. Яъни, миқоз-ларимиз сони йил бошига нисбатан 444 тага кўпайди, — дейди банк бошқаруви кенгаши ҳайъатининг раиси Ўқтам Турсунов. — Уларни асосан 37 таси қорхона ва ташкилотлар, 762 таси фирма, ҳусусий ҳамда деҳқон-фермер ҳўжалиқлари, 14 таси ижтимоий ташкилотлар, 1 таси эса қўшма қорхона ва 243 таси яқна тартибдаги тадбиркорлардан иборат.

— Шу ўринда кичик ва ўрта бизнес субъектлари — тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар билан ҳам таништирсангиз?

— Бу борадаги тадбирларимиз талайгина. Ишлаб чиқаришни равожлантироқчи бўлган, айланма сармояни қўпайтириб, аҳолига ҳалқ истеъмолчи моллари етказиб беришни улоқ-сиз таъминлайдиган тадбиркорларни ҳар то-монлама молиявий қўллаб-қувватлаш мақса-дидимиз. Банкнинг ўз маблағлари ва бюд-жетдан ташқари фондлар кредит линиясини бунга сафарбар қиламиз. Ҳозирда бу линия ҳисобидан жами ажратилган кредитлар қол-диғи 1995.8 миллион сўмни ташкил этади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ажрат-ган кредитларимиз ҳисобига 463 та янги иш ўринлари барпо етди. Бу эса вилоятимизда яна ачагинга меҳнатга лаёқатли кишининг иш билан таъминланганлигини ҳам аңглатади. На-тижада жорий йил бошидан буй 710.9 мил-лион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, хиз-мат кўрсатилди ва товар айланиши амалга оширилди.

Яна бир гап: банкимиз тадбиркорларга на-фақат ўз маблағларидан балки, ноёбодет фондлардан ҳам кредитлар ажратиб бермоқ-да. Жумладан, 2 та миқозга вилоятимиздаги иш билан таъминланганлиги ҳам аңглатади. На-тижада жорий йил бошидан буй 710.9 мил-лион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, хиз-мат кўрсатилди ва товар айланиши амалга оширилди.

— Дарвоқе, аҳоли ва тадбиркорларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш мақсадида миқозлар учун фойдали омонат турларини жо-рий қилганми. Яқинда “Ўқтамбанк”нинг 5 йил-лиги” номи ютуқли омонат тури жорий этил-ди. Мазкур омонатнинг энг кам миқдори ка-мида 10000 сўмни ташкил этади. Қўшмача ютуқ учун 125000 сўмлик ютуқлар фонди бел-гиланган ва ажратилган.

Умуман, бу борада муайян ютуқларга эри-шялми. 2004 йил 1 январь ҳолатига 1242 та

омонатчи банкимиздаги омонат ҳисоб рақа-мига 199.2 миллион сўм маблағ қўйган. Нати-жада омонатлар миқдори хозирга келиб 117.8 миллион сўмга кўпайди. Бу ўз-ўзидан бўлаёт-гани йўқ, албатта. Аввало, коммунал тўлов-ларнинг ўз вақтида тўланиши ҳамда омонат-лар миқдорини қўпайтириш мақсадида Қар-ши шаҳрида, аҳоли зич жойлашган манзил-ларда жағмарга кассалари очилди...

— Ишга солинмаган имкониятлар борми? Сўрамоқчи бўлганимиз — аҳолига бундан ҳам яқинроқ қўлайлик яратиш мумкин-ми?

— Албатта. Айна миқозларга қўлай бўли-ши учун Қарши, Бешкент шаҳарлари, Мириш-кор ва Косон туманлари марказида банкими-зи филиалларини очдик. Бу жойларда эса ми-қозлар сони кўнундан-кўнунга қўпайиб бормоқда. Бундан ташқари, бўш пул маблағларини банк кассасига жалб қилишни қўпайтириш мақсадида “Қарши газ таъминоти” ишлаб чи-қариш бирлашмаси ва “иссиқлик манбаи” иш-лаб чиқариш бошқармалари қошида банкнинг 2 та янги жағмарга кассаларини очдик. Шу билан биргаликда, келгусида Муборак, Шах-рисабз, Китоб туманларида ҳамда вилояти-мизнинг бошқа жойларида ҳам янги миш бан-клар ва аҳоли гажум жойларда қўшмача жа-ғмарга кассалари хизмат кўрсата бошлайди.

Яна бир янгилик: банкимиз бозор иқтисо-дийи шариотига соғлом рақобат муҳитини яратиб, миқозларга янги хизмат кўрсатиш турларини тақлиф қилмоқда. Жумладан, яқин-да Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомо-билларни сотиб олувчиларга қўлайлик яратиш ва банкка нақд пул тушушини қўпайтириш мақ-садида — автокредитни жорий қилди. Авто-кредитни афзаллиги шундаки, миқоз банкка автомобил қўйиматининг 50 фоизи миқдори-да нақд пул топширса, қолган 50 фоизи им-тиёзли банк кредити ҳисобидан уч кун ичида тўлади ва харидор автомобилни бўлади.

— Банкни истиқболли ривожлантириш-га қаратилган чора-тадбирлар ҳусусида нималар дея олсангиз?

— Биринчи галда, мамлакатимиз Прези-дентининг 2002 йил, 30 мартдаги “Пул касса-си ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирла-ри тўғрисида”ги фармонида белгилан қўйил-ганидек, ҳусусий банкимиз капиталини 1250 миң АҚШ доллари эквивалентига доимий ра-вишда тенглаштириб туриш ва уни ўстириш бўйича барча чораларни қўришмиш лозим. Яна маҳаллий хомашини қайта ишлайдиган ва экспортбон маҳсулот ишлаб чиқарадиган ин-вестицион лойиҳаларни излаб топиш ва улар-ни молиялаштиришга ҳаракат қилганми. Та-шқи иқтисодий операцияларни йўлга қўйиш ва халқро пул ўтказмалари (Вестерн Юнион ва бошқалар)ни жорий этишни тезлаштири-шимиз керак, албатта. Жорий йилнинг якуни-га қадар чет эл валютасида операциялар ўтқа-зиш мақсадида Қарши шаҳрида учта валюта айирбошлаш шаҳобчаларини очамиз. Хуллас, нимаким қилмайлик, бунда мақсадлар мушта-раклиғи намойён. Бу муштараклиқни манфаат-лар мезони, дея атасак янглишаймики...

Шавкат ҚАРОМОВ

Ажаб савдолар

чиктириш ҳақида ажрим қилди. Ойлар, йиллар ўтпти. Аҳвол ўша-ўша. Бўлди-бўлди, қўзи оғизларга бўлди.

Ҳамидбой комбинат раҳбарларига ваъ-да бераверди, лекин бажармади. Ниҳо-ят у баъзада ётган стегаж, стул каби маҳ-сулотларни қарз ҳисобидан олиб кетишга келишди. Аммо бу маҳсулотлар анча қим-мат нарҳда белгилангани учун харидор қилмади.

Кўчада келаётиб, 20 ёшлар атрофида-ги қизни қўзини ушлаганга туриб қонган-лигини кўрдим. Унинг кўзига шамолда ҳас қирганга ўхшайди. Ортимга қайтаётам, боғий қизни бир қампир аста етказиб ке-тапти.

— Кўз қўрмаса шулчлар қийин бўли-шини билмас эканман, — дерди қиз. — Бутун дунё зулмат. Қўзи оғизларга қанча меҳр-муруват кўрсатса оз экан.

Шундай қилиб, Андижон қўзи оғизлар жа-мияти ўқув ишлаб чиқариш комбинати ишчи-хизматчилари бугун ноилож аҳвол-да қолишган. Меҳр-шафқатга муқошлар-га муруват эмас, ташвиш ва азоб келти-рилди.

Қўзи оғизлар “Меҳр-муруват йили”-да ҳам ўзларини ўтдан-қўққа уриб, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар. Биз — қўзи ўтирлар, қўли узунлар қанч-гача томошабин бўлиб тураемиз.

Тўлқин СИДДИҚ

Кўзи оғизлар ўқув ишлаб чиқариш комбинати директори Тоҳиржон Юсупов хом ашъ таъ-миноти чатақлидиган хуноб бўлиб ўтирган эди.

Шу пайт котиба эшикни очиб: — Савдо бирлашмасининг бошлиғи Бойбобоев қабул қилишини сўрайпти, — деб қолди.

Директор сергаж тортиди. Ахир Ҳамид-бой Бойбобоев ҳўжалик ҳисобидида катта савдо бирлашмасининг бошлиғи, таникли тадбиркор эди-да! Наҳотки қўзи оғизлар-нинг охи худого етган бўлса?

— Кирсин, кираверсин, — деди у му-ҳим битим бўлишини кўнгли сезиб. Директор хонага кириб келган кишини кўрмаса-да, меҳмоннинг қадм босиши, саломидан унинг ўрта ёшлардаги, сало-батли йигит эканлигини фаҳмлади.

— Бир савобли иш қўлоқчимиз, — деди меҳмон салом аликдан сўнг вазимн оҳангда. — Ундан сиз ҳам, биз ҳам ман-фаат топамиз. Андижон ип-ғазлама ҳис-содорлик жамиятидан катта миқдорда газ-лама олоқчимиз. Сизлар ўртада восита-чи бўлсангиз деб келдим. Иш битса қуруқ қўймаймиз.

— Майли-куя, аммо, Ҳамидилло ука комбинат ҳисоб рақамиде деярли пул йўқ-да, — деди директор ҳўжжат тортиб.

— Бу ёғидан хавотир олманг. Ип-ғаз-лама ҳиссодорлик жамияти бошлиқ

Журнал "Бош мухбир" руқнидаги таниқли адиб Эркин Аъзамнинг "Санъат — қимми?" сарлавҳали бош мақоласи билан бошланади. Унда санъатнинг бугунги аҳволи ҳақида мулоҳаза юритилади.

"Истиқлол арафасида республикамизда иқтисодий вазият ҳам гоъят кескин эди. Юртимиздан олиб чиқиб кетилаётган бойликларнинг 70 фоизини фақат хомашё ташкил қилар, четдан эса 70 фоиз тайёр маҳсулот олиб келинар эди..." Бу каби факт ва далиллар сиёсатшунос Куддус Аъзамнинг "Бурилиш нуқтаси" номли мақоласида батафсил очиб беришга ҳаракат қилинган.

Муаллифлар Р.Тоҳиев ва И.Тўхтаровларнинг "Ноанъанавий таълим усули" номли мақоласида таълим тизимидаги бугунги дарё янгиликларини ҳусусида атрафлича фикр юритилган.


Мохир публицист Баҳодир Зокирнинг "Глобаллашув зиддиятлари" мақоласи ҳам эътиборга молик. Унда бугунги кунда дунё миқёсида қўнчилиқнинг бошини қотиратган глобаллашув масаласининг мазмун-моҳияти, асосий белгилари, субъектлари тўғрисида чуқур мушоҳада юритилган. Шунингдек, муаллиф янги технология инсониятни тараққийга етказишдаги ролини таъкидлаётганлиги ҳам таъкидланган.

ЎБАЧЎЛИДА ЯНГИ МАКТАБ

Когон туманидаги Баҳодир Зокирнинг "Глобаллашув зиддиятлари" мақоласи ҳам эътиборга молик. Унда бугунги кунда дунё миқёсида қўнчилиқнинг бошини қотиратган глобаллашув масаласининг мазмун-моҳияти, асосий белгилари, субъектлари тўғрисида чуқур мушоҳада юритилган. Шунингдек, муаллиф янги технология инсониятни тараққийга етказишдаги ролини таъкидлаётганлиги ҳам таъкидланган.

Ўз мухбиримиз.

"ТАФАККУР" ЖУРНАЛИНИНГ ЯНГИ СОНИ



Аъзам) мақоласида буюк мутафаккир Заҳриддин Муҳаммад Бобурининг бадиий маҳорати, фалсафий қарашлари татқиқ этилади. Шунингдек, машҳур даниялик ёзувчи Х.К.Браннернинг "Белнинг қуввати" ҳикояси, атоқли чех ёзувчиси Карел Чапек масалалари, рус адиби И.Головнянинг "Танҳолик азоби ёхуд биз билган ва билмаган робинзонлар" асари ҳамда "Талқин ва тадқиқотлар" руқнидаги қатор илмий-публицистик мақолалар ҳам журнал-хонларни қизиқтириши табиий.

Хуллас, "Тафаккур"ни ўқинг, асло ютқазмайси.

Худойёр ЭШБОЕВ

Кексаликни инсон камолотининг чўққиси деб аташ мумкин. Негаки, инсон қанча кўп умр кўрса, шунча кўп ҳаёт тажрибасини тўплаб, табиатнинг не-не мўъжизаси сир-синоати шохиди бўлади.

"Қари билганини пари билмайди" дейишади.

Шу боис уларга ўз меҳримиз, арзимас мурувватимиз, ҳамин қадар ширин сўзимиз билан беминнат хизматимизни аямасдан ҳаётлик чоғида дуои хайрларини олишга астойдил интиласан, асло кам бўлмаймиз.

Давоми. Боши ўтган сонларда

БОЛА ТАРБИЯСИ ВА ХОТУН

Она бўлишлик, буюк бир неъмату назарсиз бир шарафдир. Фақат бундай шарафатга муносиб бўлувчилар оналик вазифаларини ва хотунлик хизматларини ўрнига қўйсаларгина сазовор бўладилар. Дин заруратларини библиб бола тарбиялаш усули билмоқ, оз бўлса-да, ўқишга ва ёзишга ўргатмоқ хотунлар учун лозим ишларини ҳамда яхши ва бузуқ хулқлардан ҳабардор бўлмоқ хотунларнинг вазифаларига кириди. Хотунларнинг аллома ёки даъво вакили бўлмоқлари, муҳандислик қилишлари ёки похулки уқалар, ипагу ҳарирларга безаниб, тўю зейфатларда юришлари — динимиз талабига кўра матлуб бўлган нарсалар эмас, балки ўзларига омонат этилган босаликлар ҳамда ўзларига ҳол хизматларини кўрсатиш адолати эдилар.

Бола тарбияси ҳифзи-сиҳати илм-и ахлоқ, илм-и руҳ шариат қонунларидан кўп нарсалар билишга ва кўп



Одобнома

ликдир. Балки уни қаттиқлик билан юмшқоқлик ўртасида, адолат билан тарбия қилмоқ керакдир.

Онасининг буйруқларига жазо ёки танбеҳдан кўриб эмас, балки бу ҳурматли ҳомиёсига ишонмоғи-ю қомил севгани сабабидан ит-

Буюк бир зот: "ҳар бир хотуннинг ақлини ўлчамоқчи бўлсангиз, унинг қўл остидаги болаларига боқингиз", деган экан. Кўчада юрган ёки баъзи уйларга борган вақтимизда фаришталар каби маъсум кўнгилларимизни ром қилган тарбияли болаларга дуч келганимиз каби тарбиясизларини ҳам кўраямиз. Бундай тарбиясиз болалар кўнгулларимизни нақадар ҳасратга тўндирадилар. Буларнинг бундай бадбахт бўлишларига оналарнинг ҳам ёмон тарбияларининг асари борлиги хотирамизга келганда ҳасратимиз янада ортади.

Ҳар бир сўраган нарсасини, хусусан, йиғлаб сўраган вақтида бериш ва ҳеч бир сўзига қўлоқ солмаслик, ҳаддан ташқари талтайтириб ўстириш, севиш, ҳар бир қилиғини мақтаб туриш, зийнатли нарсалар кийишга, ҳар вақт лаззатли таомлар ейишга одатлантириш бола хулқини бузиш учун энг таъсирли сабаблардир.

(Давоми бор)

Ризоуддин ибн ФАХРУДДИН

Оила

хулқларга одатлантириш, атак-чечак қилишдан бошлаб, то тили қўнқунга қадар алоҳида эътибор бериш лозим.

Бола тарбияси ёмон ният ва кўполлик билан эмас, балки сабр-тоқат, меҳрибонлик, шафқату сезгирлик билан бўлиши керак. Бундан эса, болани тизгинсиз ҳайвон каби ўз ҳолига қўйиш лозим деган гап чиқмайди. Зарар билан фойдани айир-ра олманг ёш гўдакни назоратсиз тутиш улуг хато-

ат этган бола адолат билан тарбияланган бўлади. Адолат ўлчови ушбўдир: ота-онага итбатни, динга ҳурматни, туғишган қариндош-уруғлар, ақин-йироқ ҳамда алу юрт, халқини севишни, ҳар бир катта-ю кичик билан яхши муомалали бўлишни болаларнинг қонларига сўт билан бирга сингдирмоқ лозим.

Бу каби ишлар ота ҳамда ақин қариндошлар зиммасида бўлса-да, аммо улуг масъулият хотунлар устига тушади.



Бировга озор етказиш уруғини сепган киши зарардан ўзга ҳосил олмайд, бошқаларга манфаат етказиш ниҳолини кўккартирган киши тинчлик, шодлик меҳвасини ейд. Тоғ ёнида қич-қичиб нимани айтсангиз, акс-садо билан ўша айтганингизни эшитасиз. "Нимани эксанг, шуни ўрасан" деган ҳикматли сўзни эсимиздан чиқармайлик.

Эришчўқлик ва ялқовлик кишини яхши ишлар қилишдан қайтаради, гайратини йўқотади, қасбу бор билан шугулланишдан қолдиради. Баъзи дандас кишилар гайрат қилиш ва ҳаракатини қулайтириш ўрнига оғир қушга тушиб қолганда қўлини қўвуштириб, айбон тақдирга тўнкайдилар.

Заҳматни қайнота чекади, аммо лаззатни қўёв то-тади.

Кўнгли балиқ тусанганин оёғи совуқ сувда бўлади. Кўп ётадиган одамнинг умрида барака кам бўлади. Кўп ётган оз яшайди. Кечаси шароб ичиб, кундузи уқлашган хонумон барбод бўлади.

Ҳақимлар тайинлаб айтадиларки, ялқов кишилар билан улфат бўлишдан қочиб зарур. Чунки улардан маслаҳат сўралса, улар ўзларининг ялқовлик нуқтаси назардан маслаҳат берадилар. Улар бўладиган ишни ҳам ўзларининг қувват ва идрок тақозоси билан бўлмай-диганга чиқарадилар, кишини гайрат кўчасидан четта чиқарадилар.

Ҳ.УСМАНОВ тўйлади

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУҚН: "АДОЛАТ" КУТУБХОНАСИ

Мухтарам газетхон! Газетамизнинг шу сонидан бошлаб янги "Адолат" кутубхонаси номли руқн ташкил эди. Унда замондош адиб ва шоирларнинг энг яхши ҳикоя, шеър ва бошқа бадиий асарларидан, Шарқ ва Жаҳон мумтоз адабиётининг энг сара намуналаридан баҳраманд бўласиз. Шунингдек, дунё таниган ва тан олган алломалар, жаҳонгирлар, шоиру адиблар, санъаткорлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳаётига дахлдор қизиқарли воқеалар, ҳангомалар ва эсталик-хотиралар ҳам Сизга маъқул бўлади, деб ўйлаймиз.

Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими.

Прем ЧАНД, машҳур ҳинд ёзувчиси

ЧИЛЛАК ЎЙИН

(Ҳикоя)

Инглизча тарбияланган ошоналарим фикримга қўшилдиларми, қўшилмайдиларми, бунинг аҳамияти йўқ, лекин мен ҳамма ўйинлар ичидан чиллакни энг яхши ўйин деб биламан. Ҳатто шу кунларда ҳам чиллак ўйнаётган болаларни кўриб қолсам, қўшилишиб ўйнагим келади.

Бу ўйин учун теп-текис ўтлоқ ҳам, қорт ҳам, ёғоч тўқмоқча ҳам, тўр ҳам керак эмас. Ҳар қандай дарахдан бир шох кесиб олиб чиллак ясадингми, бас, икки кишигина бўлсанг ҳам ўйинни бошлаб юборавериш мумкин. Инглизча ўйинларнинг энг катта камчилиги улар учун керак бўладиган буюмларнинг ҳаддан ташқари қимматлигидир. Кам деганда юз रुपия қаражат қилмай туриб, ўзингизни ўйинчи деб атай олмайсиз. Бир пайса сарфлашнинг ҳам талаб этиладиган аjoyиб эрмак бўлган чиллак ўйини ундан минг марта яхши. Бироқ беш инглизларнинг ҳамма нарсаларига шу қадар ишқибоз бўлиб кетганмики, ўзимиздаги барча нарсаларни назарга олмайдими. Мактабларимизда фақат ўйинлар учунгина ҳар бир ўқувчига йилига бир неча रुपия олинади. Ҳеч қандай қиммат талаб қилмайдиган ҳинд ўйинларини ўйнаб қўя қилиш ҳеч қиммат ҳаёлига ҳам келмайди. Инглиз ўйинлари пулдорларга қарайилган. Шунангки эрмаклар билан камбағал болаларнинг миёсини ачиштириш нима кераги бор? Тўғри, чиллак тегиб бирор кишининг қўзини қичариши мумкин. Крикет ўйнаган вақтда бош ёриш, ичак-човоқни ағдариб юборади. Чиллак тегиб синдириш хавфи йўқ дейсизми? Чиллак тегиб ёрилган жойдан қолган доғ хали ҳам пешонамдан кетгани йўқ, лекин ошоналарим орасида крикет тўқмоқчаларини қўлтиқ таёққа алмаштирганлари ҳам бор. Хуллас, бу ҳар қиммат таъбиға боғлиқ. Менга эса ҳамма ўйинлардан кўра чиллак кўпроқ ёқади.

Болалик чоғларимни эслаганимда, энг лаззатли хотирам ана шу чиллак ўйин бўлади. Эрталаб барвақт уйдан қочиб чиқсан-у, дарахга тирмашиб, биронта шохдан чиллак даста билан чиллак бола кесасан. Ўйин ишқибозларининг завқи, қизиқликлари, чиллакни отиш ва олиб олиш, бахс ва жанжал-суронлар, бойлар билан камбағаллар ўртасида фарқ бутунлай йўқолиб кетган, зодагонларча қилиқлар, кеккайиш ва димоғдорликларга йўл қўйилмайдиган оддийгина ҳолат... Буларнинг ҳаммаси фақат шу вақтдагина унутилади...

Уйдагилар аччиқлинишади. Отам супада ўтириб, худди аламини шундан олаётгандай, нон қавшайдилар. Онам мени куча эшиккача қувлаб чиқадилар. Уларнинг фикрича, мени қоронғу келажаким тўлқинлар орасида синик қайиқдай оқиб борди-ю, мен эсам, ўйин билан бўлиб, юз-қўлимни ювишни ҳам, овқатланишни ҳам унутиб қўяман. Чиллак — бор-

(Давоми бор)

Истеъмолчи ҳуқуқи энг ҳарик қилиниши...

Нуксонли товар сотилган. Истеъмолчи агар бу ҳолни шартнома тузиш пайтида кўрсатилиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қўйиладиганлардан бирини талаб қилишга ҳақли:

товарини айна шундай маркази (модели, артикули) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш; товарни бошқа маркази (модели, артикули) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиш;

товарнинг нуксонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд унинг шахсининг нуксонларини бартараф этишга қўлдан харажатларини қолаш; харид нархини нуксонга мутаносиб равишда қайтариш;

шартномани бекор қилиб, қўрилган зарарни қолаш.

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаш лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкчи эъён ва истеъмолчи қўрган зарарининг ўрни қоплашидан қатъий назар, амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги" қонундан

Ичкилибозлик иллат

Ичмаслик — ўчоққа ўт, қозонга — гўшт солади, дастур-хонга — нон, давлатга — даромад, хонадонга — бойлик, ҳамжihatлик, баданга — куч-қувват, устга — кийим-бош, мияга — ақл, оилага фаровонлик келтиради.

Б.ФРАНКЛИН

Одам ичишга имконияти бўлмай қолганда эмас, балки шундоқ хонасида, рўпарагинасида ичкилик тургани, унинг ҳидини сезгани ва сал қўлини чўзса олиши мумкин бўлгани ҳолда уни ичмасиғина ичкиликни ташлайди.

Л.Н.ТОЛСТОЙ

Гар ичса киши май, шалоқ, маст бўлар. Сири фох бўлар, иши ҳам сўст бўлар. Билими май ичса, билимсиз бўлар, Билимсиз маст бўлса, тубан паст бўлар. Май ичса, зинодан қилиб тур ҳазар, Бу ишлар гадолик тўнин кийгизар. Ботиргай сени май гуноҳга тамом, Зинодан қочар қут, юзингга сузар.

Юсуф Хос ХОЖИБ

- ◆ Ақлли киши наҳорда шароб ичишдан сақланади.
- ◆ Мияси қучси киши тез маст бўлади.
- ◆ Шаробнинг зарари кўпроқ мияга уради.
- ◆ Ичган киши сабабсиз севинадан, деб ўйлаш беҳудади.
- ◆ Шароб захарларнинг биридир.

Абу Али ибн Сино



Хусан СОДИКОВ чизган расм.



Вагон йўлагидан ўтиб бораётган одам ҳовлиқиб, ҳар купени очиб сўрайди:

— Ҳеч қимда қоньяк йўқми? Охири купедаги аёл ўзидан сўрайди:

— Иўловчилардан бири унга бир шиша қоньяк тутқазади. У шишани очиб, уч-тўрт културм ичади-да, дейди:

— Катта раҳмат! Аёл киши хушидан кетганини кўрсан, доим ўзини ёмон ҳис этаман...

— Турмушим нечоғлиқ оғирлигини тасаввур ҳам қилмайсиз. Хотинимнинг аввалги эри миллиционер бўлган-да...

— Менинг турмушим сенкидан беш-баттар. Менинг хотиним ҳамон ўзини миллиционернинг хотини деб ҳисоблайди.

Ресторанда:

— Ваҳтанг, нега сен қовурма емаяпсан, шароб ичмаяпсан?

— Врач ман этди. Жигарим оғрипти. Эртаси кучи.

— Ваҳтанг! Нима қилияпсан? Шароб ичмаяпсан, қовурма еяпсан. Жигар нима бўлади? Врач нима дейди?

— Э, биродар, қўлига йигирма беш тутказган эдим, ҳаммасига рухсат берди.

Қурилишга текшируви келипти. Қараса, бир ишчи ҳадеб курак арава-часини шалдиратиб у ёққа югуриб ўтармиш, бу ёққа югуриб ўтармиш. Уни тўхта-тиб сўрапти:

— Нега бўш арава билан югуриб юрибсан?

— Э-э, сўраманг, ҳозир ишимиз суръати шунақа тезлашганки, қоришма со-лишга ҳам вақт йўқ.

Бир одам док-торга келиб, курак-лари орасида оғрик борлигидан зорланади:

— Чекасизми?
— Йўқ.
— Ичасизми?
— Йўқ.
— Айлар билан юрасизми?
— Йўқ.
— Ундай бўлса куракларингиздан қанот чика бошлаган бўлиши керак.

Бир одам ишга кечикиб келипти. Қараса бригаданинг ярми йиғлабган эмиш, ярми эса қулаётган эмиш.

— Нега қулаясизлар? — деб сўрапти у.
— Прорабимиз томда юрган эди, умбалоқ ошиб йи-қилди-ю, жон тас-лим қилди.
— Сизлар нега йиғлаясизлар?
— Биз қўрмай қолдик...

Муассис: Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Тургунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ГУЛОММАХМУДОВ, Анвар ЖҲАБОВЕВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Каримжон РИХСИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Бобокул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Тургун ЭРГАШЕВ, Абдусаммад МАМАЖОНОВ, Уткир ЖҲАЕВ, Муҳаммад РАҲМОН, Нозимиддин НУРМАТОВ, Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Зоҳир ТҲАҚУЛОВ.

Мўлоқот учун телефонлар:

Қабулхона — 136-53-14
Факс: (8371) 133-41-89
Хатлар бўлими — 136-55-96.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буортма Г — 300, Адади 2229. Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона мазали: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Аслиддин БҲРИЕВ | Навбатчи — Сирожиiddин РУСТАМОВ

Газета IBM компьютерида терилди. Босишга топириш вақти — 19.00.